



## Ислом Нури

### Савол:

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоху ва баракоту. Сизнинг сайтингиздан тахминан 7-8 ойдан бери фойдаланиб келмоқдаман, асосан Абдулвалий корининг дарсларини тинглайман. Сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бу килаётган ишингиз жуда муҳим деб ҳисоблайман. Аллох бу ишларингизга ривож бериб, сизларни ўзи ажирласин! Мен диний олим билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Бу жуда муҳим ва ўта нозик масъала. Гап шундаки, мен ибодатга кирганимга тахминан бир йил бўлди. Шу вақтга қадар юртимиздаги аксар ёшлар каби европача ҳаёт тарзи билан яшаб келган эдим, менинг оилам ҳам мен каби ислом рукнларига аҳамиятсиз ҳаёт тарзини кечиришаётган эди ва ҳозир ҳам шундай. Бир неча йил аввал мен ўзим севган киз билан турмуш қурдик, бир киз кўрдик. Умуман олганда ҳаётимиз яхши эди. Мен ибодатга кирганимдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар ўз оиламни, айниқса хотинимни намоз ўқишга ва бошқа ибодатларни бажаришга даъват қилиб келдим, шундан бошлаб бизни ўртамизга совуқлик тушди. На хотиним на ота-онам ибодат қилиш ҳақида фикр юритишаётгани йўқ фикримда. Ота онамга каттик гапира олмаганим сабаблик, мен холамдан (улар номозхонлар) ёрдам сўрадим, аммо бу ҳам фойда бермади. Энди хотиним масъаласига келсак, унга аввалида ислом ҳақида тушунча бериб, ибодат қилиши фарзлигини тушунтирдим, бу ёрдам бермагач унга каттик ҳам гапирдим, аммо у онамга арз қилиб сўнг гап катталар орасида таҳлил қилиниб, холам каттик гапирмаслигимни уқтирдилар ва яхши гап билан масъалани ҳал қилишни таклиф қилдилар. Мен хотиним билан мулоимлик билан яна гаплашиб кўрдим, аммо бу ҳам ёрдам бермади. Ибодатга киргиши кулимдан келмаганидан сўнг мен ундан (орамиздаги ҳурмат, муҳаббатимизни ўртага қуйиб) ҳеч бўлмаса бошини ёпиб ва шариатга мувофиқ равишда қийиниб юришни, уйда эса энг чиройли



## Ислом Нури

кийимларини кийиб зийнатланиб юришини илтимос килдим. Шартимни бажарса мен ҳам уни шариатга зид бўлмаган шартларини бажаришга ва уни янада бахтликрок килишга ваъда бердим, аммо у бунга рози бўлмади. Шундан сўнг мени унга бўлган хурматим ҳам ва бошка туйгуларим ҳам колмади. Биргина ташвишланаётганим бу кизим у икки ярим ёшда, аммо мен бу хотиним билан бирга яшаб бу кизимни мўъмина килиб тарбиялай олишимга кўзим етмайди ва ундан ҳам ёмони бошка фарзанд кўрсам, улар ҳам онаси танлаган хаётни истаб, шариатга буйсунмаслиги мумкин. Нимагаки хотиним фарзандларни диний тарбиялашимга ҳам рози эмас. «Болалар ўзи истаган хаёти билан яшаши мумкин, исломда зўрлаш мумкин эмас» дейди у. Аллох шохид шу бир неча хафта илгари мен учун оиламдан азиз инсонлар йўқ эди, аммо хозирга келиб мен хотиним билан хаётимни давом еттиришимга кўзим етмай тирибди. Мени биргина истагим. Мўъмина жуфтим бўлиб, мени хатолардан кайтариб турса, солих фарзандларим бўлиб, мендан сўнг хаккимга дуо килишса, ота онам ҳам ибодатда бўлиб, иймон билан бу дунёдан кўз юмишса. Энди сизга саволим: Агар ман хотинимни талок килсам, аммо кизимни доим кўриб турсам ва уни эхтиёжларини кондириб турсам, ўз оиламга нисбатан зулм килган бўлмайманми, агар зулм бўлса менга маслахат беринг. Талокни телефон оркали берсам бўладими, нимагаки мен хозир бошка мамлакатдаман ва якин 6-7 ой ичида уйга бора олмайман. Жавобингиз учун олдиндан ташаккур, бу масъала мен учун жуда мухим. Ассаламу алайкум.

### **Жавоб:**

Ва алайкум ассалом азиз биродар! Хатингизни ўкиб ўтган улуг пайгамбарларнинг бошидан кечирганлари хаёлимдан ўтди, Нух ва Лут алайхиссаломларнинг хотинлари, пайгамбарнинг хотинлари бўла



## Ислом Нури

туриб, одамлар уларга иймон келтираётганларини кўрган холларида иймон келтирмай ўтиб кетдилар. Буларнинг мисолини Аллох таоло Куръондаги тахрим сурасининг 10-оятида кофирлар учун зарбулмасал килди. Нух алайхиссаломнинг ўгли ҳам отасига иймон келтирмасдан кофирлар билан бирга сувга гарк бўлди. Иброхим алайхис-саломнинг оталари у кишининг кўп даъватларига кулок солмай кофир холда ўлиб кетди. Пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва салламнинг амакилари Абу Толиб ҳам бир неча йил пайгамбаримизни химоя килганларига ва пайгамбаримизнинг унга килган даъватларига карамасдан кофир холда ўлиб кетди.

Уларнинг базилари даъватда 10 йил, баъзилари 50-60 йил Нух алайхиссалом эса 950 йил давом этди. Шу вақт ичида улар иймонсиз якинларидан ноумид бўлмадилар ва уларга ширин сўзлар билан хитоб килишди. Иброхим алайхис-салом эй отажон! деди Нух алайхис-салом эй ўгилчам! дея хитоб килди.

Оллохга хамдлар бўлсинки сизни залолатдан ўз хидоятига чиқарибди бу жуда улуг неъмат, бунга беадад хамдлар айтиш керак. Юкоридаги мисоллардан факат даъватда кандай сабр килиш керак деган фойдани оламиз, даъват килинганларнинг оқибатлари мисолдан мақсад эмас. Чунки уларнинг бу аснода килган даъватлари сабабли ўнлаб, юзлаб ва минглаб кишилар иймон келтирганлар.

Сизга насихатим, шошилманг! Хали ишлар олдинда, иншааллох сиз айтган кишиларнинг барчалари намозхон, ибодатли кишиларга айланадилар. Сиз уларнинг ўтмишларига назар ташланг худосизлик жамиятида ўсиб улгайишган, худосизлик мактабларида «ленин бобомлар» деб, инсоннинг асли маймун бўлган деган ақидалар билан таълим олганлар. Шунга карамасдан уларнинг бирортаси мен



## Ислом Нури

мусулмон эмасман, мен диндан чиккан одамман демаса керак, албатта. Ёки уларга карата сиз мусулмонликдан чикибсиз деган одамнинг ёкаларидан олишади. Агар хол шундай бўладиган бўлса сиз сабр килишингиз, ислом таълимотларига тўла амал килиб уларга чиройли намуна бўлишингиз керак. Уларга иложи бўлганда хар хил хадялар бериб секин аста исломга тарғиб этишда давом этаверасиз. Уларга хечам кўпол гапириш керак эмас, каранг; Росулulloх ахли маккага кандай хитоб килардилар, эй кофирлар, эй мушриклар! Дермидилар? Уларнинг озорларига карамасдан эй кавмим! Иймон келтиринглар нажот топасизлар деб уларни ўзларига якин олиб хитоб килардилар. Биз даъватда росулulloх саллаллоху алайхи ва салламдан чиройли намуна олишимиз керак. Сизнинг огзингиздан чикадиган бир огиз калима “талок”нинг чикиши сиз учун бутун келажагингизни вайрон килиб юбориши мумкин. Акс холда сабр килсангиз ва уларни даъват этишда давом этсангиз шоядки уларнинг барчаси намозга эгилсалар, роббилари Аллохга кайтсалар, Росулulloх айтадилар сиз туфайли бир кишини Аллох тўгри йўлга бошлаб қўйиши сиз учун энг гўзал туялар бўлишидан ва бир ривоятда куёш нур сочган нарса(еру-осмонлар)дан яхшироқдир.

Сиз ўзингиз ўйлаб кўринг хозирда сизнинг даъватингиздан энг якин кишиларингиз таъсирланмаган бўлса кандай килиб бегона кишилар таъсирланиши мумкин, биз килаётган даъватимизни таъсири бўлмаётган бўлса одамларни ёмонламаслигимиз керак, улар гапга кулок солишмайди, улар ундок улар бундок демаслигимиз керак. Даъватимиз таъсир килмаяптими демак бизнинг даъват услубимизда хато бор, биз уларга маълумотларни тўгри етказиб бера олмаяпмиз. Айбни ўзимиздан излашимиз керак, айбларимизни идрок килиб уларни тузатишга харакат килмогимиз даркор. Шундагина биз ютукка эришамиз. Ислом дини бино килувчи, рағбатлантирувчи дин,



## Ислом Нури

инсонларни безитадиган ва уларнинг ўрталарини бузиб ташловчи дин эмас. Аёл киши заифа бўлсада маккор бўлади. Бу макрларни унга шайтон ўргатади, шайтон уни алдайди, нафсига ёкадиган нарсалар билан аврайдди натижада шайтоний амалларни килади. Сиз ҳам аёлларнинг кўнглига ёкадиган нарсалар билан аёлингизни рағбатлантиринг. Янги чиккан газмоллардан, иложи бўлса бирор такинчок олиб беринг. Шу каби йўллар билан то англаб етгунига қадар рағбатлантирган холда амалларга тарғиб килинг. Энг мухими даъватда килиниши керак бўлган амалларнинг даражасига қараб секин-аста чакиринг. Масалан Хали намоз ўкимаган аёлни хижобга буюриш хато, шунингдек хали роббиси Аллохни танимаган одамга намоз ўқи дейиш ҳам хатодир. Росулulloх саллаллоху алайхи ва саллам Муъоз розияллоху анхуни Яманга юбораётганларида: “Эй, Муъоз уларни Аллохдан бошқа Илох йўк ва Мухаммад Аллохнинг росули деб гувоҳлик беришларига чакиринг, агар улар буни қабул қилсалар (яни Аллохнинг ҳақ маъбуд ва Мухаммад Аллохнинг росули эканлигига иймон келтирган холда бу шаҳодатни айтсалар) уларни Аллох бир кеча ва кундузда беш вақт намоз ўқишга буюрганлигини билдириш ва хоказо рўза ва закотни зикр қилдилар. Тааммул килинг.

Энг мухими намозларда, кечалари бедор бўлиб уларнинг ҳаққига дуо қилинг, Аллох уларни ҳаққа қайтарсин, Аллохнинг раҳматидан ноумид бўлманг.

Сизга Аллохдан ислом ва исломга даъват йўлида собитлик тилаб қоламиз. Ислом Нури тахририяти.

Юқоридаги саволга яна бир жавоб, гўё аввалги жавобнинг такмиласи:

Аллох таъолога ҳамду санолар ва пайгамбаримизга салавоту саломлар



## Ислом Нури

бўлсин.

Сўнг ...

Вассалому алайкум ва рохматуллохи ва барокотух. Муслмон дўстимиз, сизнинг бизларга йўллаган мактубингизни ўкиб, бир тарафдан кувондик ва бир тарафдан кайгурдик.

Кувонишимизнинг сабаби, ўлкамиздаги кейинги йилларда муслмон ёшларнинг кўпайиши олдида тўсик бўладиган конунлар чиқарилиб, хаётга жорий қилиниши оқибатида даъват эшикларининг барчасини йўқ қилиб ташлаш харакатлари кучайтирилишига карамай сизнинг муслмонлар сафига онгли кадам ташлашингиздир. Бу билан биз сизни табриклаймиз ва тарихда нурли саҳифалар колдирган шонли муслмон аждодларимиз юрган йўлда давом этишингизни Аллох таъолодан сўраймиз.

Биз сизни онгли кадам ташлаганингизни эслатиб ўтдик. Бу билан, сизнинг ёзган мактубингиздан маълум бўлганидак, хаётингизнинг хар бир жабхасида Ислом хукмларига риоя қилиш учун харакат қилаётганингизни назарда тутмоқдамиз. Бу Аллох таъолонинг: “Аллохнинг хузуридаги дин – Исломдир”- деб айтган сўзини рўёбга чиқариш учун хар бир муслмон интилиши керак бўлган гоядир.

Кайгуришимизнинг сабаби эса, сиз мактубингизда баён қилган оилангизда содир бўлган ва сизни ташвишга солган муаммодир.

Азиз дўстимиз, сиз баён қилган оилавий муаммолар хозирги асрда дунёнинг хар бир бурчагида яшаётган ва Ислом динига жиддий риоя қилиш истаги тугилган ёшлар хаётида кўринмоқдадир. Бунинг ечими



## Ислом Нури

Аллох бутун башариятга раҳмат килиб юборган Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг хаётларидан ўрнак олишдир.

Тарих китобларига мурожаат этган ҳар бир киши, ўз гоёсини ёйиш йўлида пайгамбаримиз каби бирон бир шахс йўқ эканини билади.

Ҳар биримизнинг оиламизда муаммолар содир бўлиб туради. Бу муаммоларни ҳал этишдаги тўғри йўл эса, пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламдан ўрнак олишдир.

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам оила эҳтиёжини кондирриш ва оиладаги муаммоларни ҳал этишда ҳаммадан кўра донолик ва тоқатлилик билан ҳаракат килар эдилар.

Биз ҳам сизга аввало оилангиздаги муаммони ҳал этишда расулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан ўрнак олишни тавсия киламиз.

Иккинчидан, унутмангки, оила сизнинг ёки рафикангизнинг шахсиятидан кўра муқаддасроқ ва Ислом тузукларида катта этибор берилган муассасадир. Бу муассасани ҳимоя қилишда эркак зиммасига катта масъулият тушади. Бу масъулиятни адо этиш эркакдан сабрни талаб қилади. Сабр эса Куръон Каримда кўп санаб ўтилган гўзал хулқлардан биридир.

Маълумки, эркак оиланинг етакчисидир. Бу эса унинг зиммасига донолик ва ҳикмат билан ҳаракат қилишни юқлайди. Хусусан, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларда эркак ўта тадбирли бўлиши керак.

Мактубингиздан маълум бўлишича, сиз ўз рафикангизни ўзингиз каби динимизга садокатли ўлароқ хаёт кечирини хохлайсиз. Бунинг йўли ҳар қуни рафикангиздан бир нарсани талаб қилиш эмас, балки,



## Ислом Нури

унинг юрагига кириб борадиган бир йўл топишингиз ва унга ширинсуханлик ва турли совгалар билан тушунтириш олиб боришингиз ҳамда аёллар тўпланадиган илм мажлисларига далолат килишингиздир. Зеро, хар бир инсоннинг бир ижобийлик тарафи бўлади. Унутмангки, тарбия инсоннинг ё Аллохга ва ё бошқаларга ибодат килишига сабаб бўлиши мумкин. Сиз оилангизга тушунтириш беришда давом этинг, тўхтаманг. Унга ёктирган совгаларини харид килинг ва унинг бу хаяжонли лахзасидан фойдаланинг. Бундай лахзаларда хар бир аёл хеч бўлмаса сўзларнинг ярмини қабул килади. Бу тажрибалардан ўтган намунадир.

Оилангизни бузиш хакидаги шайтоний хаёллардан узок бўлинг. Колаверса фарзандингизнинг хаётини тасаввур килиб кўринг. Сиз даъватингизда канчалар садокатли ва ихлосли бўлсангиз, рафикангизнинг Ислом ҳукмларини хаётига жорий килиши шунчалар якин бўлади.

Сабрли бўлинг! Хеч қачон фалончининг хотини ундай, нега меники бундай деб ўзингизни кийнаманг. Аёл фитнаси хар бир оилада ўзгачадир. Хар бир эркак ўз рафикасидан бир фитна кўради-ки, уни бошқаларда топиш анчагина мушкулдир. Сиз умидингизни хеч қачон узманг ва Аллохга кўп дуо килинг. Зотан, Аллох илтижо килиш борки, хар муаммонинг ечилиш илинжи мавжуддир. Юрагингизни кенг килинг, хаётни кичик бир фитна ичидагидек тасаввур килманг. Аллох муаммоларингизни хал этсин ва сизга хар бир ишингизда ёрдамчи бўлсин. Валхамду лиллах, вас-солату вас-саламу ала расулиллах. Вас-салому алайкум ва рохматуллохи ва барокотух.